# ТАЙЁР ОБЪЕКТ—ҚУРУВЧИНИНГ НАҚД ИШИ

***Республиканинг илғор қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар***

**МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ**

**1984 ЙИЛ, ИЮЛЬ № 7 (123)**

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

## БИНОКОР ЛАФЗИ

*ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР*

**Республикамиз бинокорлик ва монтажлаш ташкилотларининг коллективлари ярим йиллик иш якунлари ҳисобини таҳлил қилиб бўлдилар. Сарҳисоб шуни кўрсатдики, азамат бинокорларимиз Ўзбекистон халқ хўжалиги турли тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Ўтган олти ой мобайнида фойдаланишга топширилган асосий фондлар 1983 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп бўлди.**

**Металлургиямизнинг фахри бўлган Бекободда 300-стан комплекси муваффақиятли ишга туширилди ва июнь ойининг охирги кунидан бошлаб прокат тайёрланмалари ишлаб чиқарила бошланди. Жиззах аккумулятор заводи, Учқулоқ конида ҳам янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Андижон ип газлама ҳамда Тошкент тўқимачилик комбинатларида пардозлаш фабрикалари маҳсулот бера бошлади. Жарқўрғон, Китоб, Паркент, Ургутда енгил саноат корхоналарининг янги филиаллари ҳаракатга келди. Давлат маблағлари ҳисобига уй-жой қурилиши ярим йиллик плани орттириб бажарилди.**

**Тайёр объектлар — бинокорларнинг нақд иши. Бинокорларимиз меҳнат муваффақиятларидан дарак берувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин қурувчи ва монтажчилар олдида бу йил улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни қанчалик тез ва соз бажарсак, экономикамиз тараққиётига шунчалик кўп мадад кўрсатилишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талаблари нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, республика бинокорлари олдида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар оз эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида жиддий гап борди. Капитал қурилиш ишларига раҳбарликни тубдан яхшилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.**

**Капитал маблағлар самарадорлигини оширишда ҳамон жиддий силжиш сезилаётгани йўқ. Маблағлар объектларга сочиб юборилиши ҳолларига барҳам берилмаган. Фойдаланишга топширилаётган объектлар қурилишининг сифатида жиддий нуқсонлар бор. Қувватлар ва уй-жой биноларини топшириш муддатлари асоссиз равишда кечиктириб юборилмоқда. Тугалланмаган қурилишлар ҳажмини камайтириш соҳасидаги ишлар бугунги талаблар даражасида эмас. Шулар сабаб бўлиб, ўтган ярим йилда талайгина капитал маблағлар ўзлаштирилмай қолди.**

**Пешқадам бинокорлик ташкилотлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Бироқ мажбуриятлар у ёқда турсин, давлат планларини ҳам бажармаган бинокорлик, монтажлаш ташкилотлари оз эмас. Оқибатда ўтган йили фойдаланишга топширилиши лозим бўлган қатор объектлар ҳамон ишга туширилмай қолмоқда. Андижон областидаги Ильич посёлкасида барпо этилаётган пайпоқ тўқиш фабрикасининг биринчи навбати қурилиши чўзилиб кетаётганлигини шунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уй-жой ва мактабгача болалар муассасалари қурилишидаги аҳвол қаноатланарли эмас. Маданий-маиший объектларни ишга тушириш графигига тўла амал қилинмаяпти. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё областларида уй-жой қурилиши ярим йиллик планларини бажаришда қолоқликка йўл қўйилди.**

**Партия, совет ташкилотлари капитал қурилишига раҳбарликни тубдан яхшилашлари лозим. Улар қурилиш масалаларини кўриб чиқаётганда энг яхши тажрибаларни қўллаб-қувватлашлари, қурувчилар ва монтажчиларга амалий ёрдамни кучайтиришлари лозим. Республикамиз бинокорлари даврасида яхши тажрибалар оз эмас. Бухоро тўқимачилик комбинати сингари корхоналарда пардозлаш фабрикаларини тиклашда қатор қийинчиликларга дуч келгани сир эмас. Кейинги вақтда бундай объектларга моддий ва меҳнат ресурслари жамланиши ишлар суръатини тезлаштиришга имкон берди. Ёрдамчи пудратчилар билан мустаҳкам алоқа боғлаш натижасида Фарғона тўқимачилик комбинатининг Тошлоқдаги филиали қурилишда аҳвол ўнгланди.**

**Учинчи квартал бинокорлар учун энг масъулиятли-унумли ойлар бўлиши керак. Шу давр ичида кўпгина тармоқлар корхоналарида янги қувватлар ишга туширилиши зарур. Бу эса қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективларининг ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашини, буюртмачи ҳамда пудратчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаб боришни тақозо этади.**

**Бинокор лафзи — муваффақият рамзи. Республика юбилейи олди социалистик мусобақаси самараларини кўпайтириш учун объектларни вақтида ишга тушуриш, капитал маблағлардан омилкорлик билан фойдаланиш, иш суръати ва сифатини кескин ошириш зарур.**



**Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республикамиз юбилейи шарафига «Пахтачилик» павильони бунёд этиляпти. Суратда: шу объект бунёдкорлари — «Главсредазирсовхозстрой»нинг «Промстрой» тресги аъзолари А. Головачёв (чапдан ўнгга), Р. Гайсин, Н. Польский ва А. Бабаев.**

**Г. Ёқубов фотоси.**

*ИШЧИ МИНБАРИ*

## БЕШ КУНЛИК ИШ—ТЎРТ КУНДА

Бир меъёрда ишлаш ва юксак самарадорликка эришиш бригадамиз, умуман уйсозлик комбинатимиз коллективи фаолияти асосини ташкил қилади. Биз ҳамиша ана шу йўлдан бориб юқори ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришиб келдик. Жумладан, ўтган йили 345 минг квадрат метр уй-жой биноларини фойдаланишга топширдик. Бу зафарга бизнинг уйсозлик комбинатимиз коллективи салмоқли ҳисса қўшди.

25 йилдирки, шу комбинатнинг бетончи-қолипчилар бригадасида ишлаб келаман. Бригадамиз янги ташаббус билан майдонга чиқиб, беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ҳаракати ташкилотчиларидан бўлди. Ташаббусимиз комбинатдагина эмас, «Главташкентстрой» бўлинмаларида, ҳатто республика қурилиш ташкилотларида ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Ҳозир 170 га яқин қуйи меҳнат коллективлари бизнинг изимиздан бораяпти.

Одатда ташаббускорлардан кўпроқ натижаларига эришиш талаб қилинади. Ана шуни қалбдан ҳис қилган бригадамиз аъзолари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини ҳозироқ бажариб қўйдилар. Бошқача айтганда, 25 минг кубометрдан кўпроқ ҳажмда конструкциялар ва буюмлар тайёрлаб бердик. Маҳсулотнинг 95 проценти дастлабки тақдим этишдаёқ қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессиясида капитал қурилиш ишларига жуда катта эътибор берилди. Уларда бу соҳадаги ишларни тубдан яхшилаш, белгиланган планлар, айниқса, ишлаб чиқариш фондларини, уй-жой бинолари ва социал, маданий-маиший объектларни ишга тушириш, чала қолган қурилишлар ҳажмини муттасил камайтириш, иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш учун талабчанликни ошириш вазифаси қўйилди. Бу вазифа жуда кенг маънони билдиради ва бугунги кунда 1984 йил топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбарлик бонги бўлиб янграяпти. Бригадамизнинг 12 аъзоси партия ва ҳукуматимиз қўяётган бу вазифаларга амалий иш билан жавоб беришга бел боғлашган. Қолаверса, бутун комбинатимизда ҳам қурилиш ишлари сифатини яхшилаш учун катта юриш бошладик.

Москвалик илғор меҳнат коллективларининг ишлаб чиқаришни қатъий маромда ташкил этиш юзасидан бошлаган ташаббусларини қўллаб-қувватладик. Айниқса, бизнинг корхонамиз билан турдош — «Главмосстрой»нинг учинчи уйсозлик корхонаси ҳам ташаббускорлар сафида борлиги билан қувонамиз. Биз бу пешқадам комбинат эришаётган ютуқлар билан муттасил танишиб бораяпмиз. Шуни очиқ айтиш керакки, биз ўз иш услубимизда қардошларимиз ишидан андоза олдик. Қурилиш конвейери самарадорлигини ошира бориб, барча имкониятлардан фойдаланиш йўли билан меҳнат унумдорлигини кўтаришга аҳд қилдик. Аҳдга яраша олиб бораётган ишларимизда А. Муртазин, М. Родаманов, И. Иброҳимов, Ҳ. Гирфанов ва В. Хусаинов сингари ҳамкасбларим пешқадамлик қилмоқдалар.

Маълумки, 1-уйсозлик комбинати — «Главташкентстрой» бўлинмалари даврасида илғор коллективлардан бири. Бу ерда меҳнат муваффақиятларининг барқарорлиги ҳақида гап борганида — ишлаб чиқаришда қатъий маром йўлга қўйилганлиги, янги, илғор иш усуллари, жумладан оралиқ бригада пудрати усулига кенг амал қилинаётганлиги яхши самаралар беряпти.

Лекин бу корхонада меҳнат унумдорлигини ошириб боришнинг ҳамма резервларидан фойдаланиб бўлинган экан, деган маъно бермаслиги керак. Тўрт ва беш қаватли уй бинолари ҳолидаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳали катта резервлар бор. Самарали меҳнат учун моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириб боришни ҳам муҳим резервлардан бири ҳисоблайман. Чунки гоҳида шундай ҳоллар учрайдики, кварталлар ва йиллик якунлар чоғида мукофот тақсимотида баъзан бир хилликка йўл қўйилади. Ҳолбуки, мукофот бажарилган ишга яраша тақсимланиши зарур. Ноўрин берилган мукофот ҳақиқий ишчини рағбатлантирмайди, аксинча ранжитиб қўяди. Айни пайтда қолоқларни ҳам ғайратлантира олмайди. Қолоқларни мукофотлардан маҳрум этиб, бу ҳақда кўпчиликка ошкор қилишнинг тарбиявий аҳамиятини камситмаслик керак. Бу ҳақда ҳамма хабардор бўлгани яхши.

Яна бир мулоҳаза. Мусобақанинг амалий натижаларини кўпайтириш учун қатъий кураш олиб бориш зарур. «Кўрсаткичлар тахтаси»да илғорларгина эмас, қолоқлар ҳам кўриниб турсин.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида комбинатимиз коллективи 350 минг квадрат метр уй-жой қуриб бериш мажбуриятини олган. Бу ишнинг муваффақияти юз минг сўмлаб фойда, материал ва хом ашёлар тежами билан ўлчанади. Бригадамиз «Беш кунлик ишни—тўрт кунда бажарамиз!» шиори остида мусобақани давом эттираверади. Бунга биз ишлаб чиқаришни такомиллаштириб бориш, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш, техникавий янгиликларни кенг жорий этиш, мустаҳкам интизом ва юксак уюшқоқлик туфайли эришамиз. Уйларни чала-чулпа топширишга қарши қаттиқ кураш очганмиз. Ҳамма объектларнинг узил-кесил қуриб битказилганидан кейин топшириладиган бўлишига эришамиз.

**Исмоил ОРИПОВ,**
**«Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатининг бетончи-қолипловчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати.**

## ҚИЗҒИН ДАМЛАР

**ҲИСОРАК СУВ ОМБОРИ БУНЁДКОРЛАРИГА ДЕҲҚОНЛАР КЎЗ ТИКИБ ТУРИБДИ**

Ҳисор тизма тоғлари оралиғида бунёд этилаётган сунъий денгизда қурилиш-монтаж ишлари кун сайин, соат сайин авж олмоқда. Тоғ шароити сув омборини дамбалашда анча мушкуллик туғдираётган бўлса-да, иншоот қурилишида бир зум ҳам тиним йўқ. «БеМЗ» автомашиналари баландлиги 140 метр, узунлиги 1 километрга чўзилган дамбага кеча-кундуз шағал ташиб келтирмоқда. Ҳозир дамбанинг бўйи 80 метрдан ошиб кетди. Унинг тезроқ тикланиши аҳамиятини қурувчилар яхши билишади: областнинг қатор хўжаликлари сунъий денгиз бағрига тўпланадиган сувга кўз тикиб турибдилар.

Шу йилнинг ўзида ҳавзадан 50 миллион кубометр сув пахта далалари ва бошқа деҳқончилик майдонларига етказиб берилади. Шу мақсадда ҳавзага Оқ дарёдан қуйилаётган сувнинг бир қисми тўғон дарвозаси орқали экин майдонларига пешма-пеш оқизиб юборилмоқда.

Қурилишнинг асосий мутасаддиси — коммунист Комил Амиров бошлиқ «Гисаракгидрострой» бошқармаси бунёдкорларининг меҳнати, айниқса, таҳсинга лойиқ. Шунингдек, «Гидромонтаж», «Гидростепстрой» қурилиш ташкилотлари ва Қашқадарёдаги 35-, 98-, 105- автобазалар коллективлари ҳам ғайрат кўрсатмоқдалар.

Келгуси йили сув омбори қурилиши бошланганига 10 йил тўлади. Ана шу санага қадар объектга ажратилган 125 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, иншоот тўла қуриб битказилади.

Гидроиншоот ёнидаги баҳаво жойда қурувчилар посёлкаси қад кўтаряпти. Қисқа вақт ичида бу ерда 30 минг квадрат метр турар-жой бинолари қуриб битказилди. 1170 ўринли ўрта мактаб, 400 ўринли клуб, 5000 ўринли стадион барвақт фойдаланишга топширилди. Ошхона, ресторан, чойхона, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший объектлар қурувчилар хизматида.

— Сув омбори Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишига айланган, — дейди «Гисаракгидрострой» бошқармаси партия комитети секретари Эркин Номозов.— Бу ерда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган 3000 дан зиёд киши баракали меҳнат қилмоқда. Улар орасида 103 коммунист, 560 комсомол аъзоси бор. 130 та бульдозер, экскаватор, скрепер каби механизм ҳамда 500 га яқин автотранспорт улар ихтиёрига бериб қўйилган. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейи йилида қурувчиларимиз 19 миллион сўмлик иш бажаришга аҳд қилганлар. Ҳозиргача 9 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Гидроиншоот бунёдкорлари сийнасига 170 миллион кубометр об-ҳаёт сиғдирадиган ҳавзани муддатидан илгари битказишга ва бу билан воҳадаги Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ районлари сув таъминотини яхшилашга, қўшимча 20 минг гектар ерда деҳқончилик қилиш имкониятини яратишга сўз берганлар.

**М. КАРОМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ПЛАН—7 НОЯБРГА

**Кўчма колоннамизнинг коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида бош пудрат бўйича 5 миллион 504 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариш мажбуриятини олган. Шу йилнинг ўтган 6 ойида амалга оширилган ишлар колонна бинокорларининг сўзи билан иши бирлигидан далолат беряпти. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдирган қурувчилар бош пудрат бўйича 2 миллион 372 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддалаб, ярим йиллик топшириқларини 106,4 процент адо этишди.**

**Чунончи, райондаги Карл Маркс номли колхозда 180 ўринли замонавий болалар боғчаси, 200 бошга мўлжалланган молхона, Энгельс номли колхозда 624 ўринли мактаб, кооператив уй-жойлар, чорвачилик бинолари барвақт фойдаланишга топширилди.**

**Эришилган ютуқларда Абдуғани Набиев, Матлаб Ҳакимов, Муса Абдуллаев, Бекир Велиев, Ашраф Қўйсинов, Юсуф Ваҳобов, Наим Ғаффоров ўртоқлар бошлиқ комплекс қурилиш бригадаларимиз аъзоларининг ҳиссаси салмоқли. Айниқса, коммунист Абдуғани Набиев ва Матлаб Ҳакимов етакчилик қилаётган коллективларнинг меҳнат календарида 1985 йил ҳисоби очилганини алоҳида қайд қилиш керак.**

**Колоннамиз бунёдкорлари айни кунларда «Москва» колхозида қад кўтараётган 536 ўринли, Крупская номли колхозда 624 ўринли мактаблар, Ильич номли, Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида 132—164 квадрат метр саҳили кооператив уй-жой бинолари қурилишини ҳам жадал суръатларда давом эттирмоқдалар.**

**Улар юбилей йили план-топшириқларини узоғи билан 7 ноябрга қадар бажаришга сўз беришган.**

**Азим АЛИЕВ,**
**Самарқанд область, Ургут райондаги колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи.**

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

## ПЛАНЛАР ЧАККИ ЭМАС, ИЖРО-ЧИ?

**«... Қарорлар чакки эмас, аммо улар секинлик билан чалакам-чатти қилиб бажарилмоқда. Кўпгина министрликлар... уй-жой, социал-маиший ва маданий объектлар қурилишига етарлича эътибор бермаётирлар... Баъзида чапа объектлар тайёр деб қабул қилинади.**

**К. У. ЧЕРНЕНКО.**

### РАҲБАРЛАР НИМА ДЕРКИН?

Назоратчиларга хат тушди: «Хоразм область колхозлараро қурилиш тресги бош пудрат асосида қурилиш ишлари ярим йиллик планини бажармади. Трест қарийб 900 минг сўмлик иш юзасидан қарздор бўлиб қолди. Ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳам 89 проентда қолди. Сабабини текшириб кўрсангизлар?...»

Халқ назоратчилари хатни эътиборсиз қолдиришмади. Текшириш давомида трест бош инженери Қ. Оллоберганoвдан изоҳ беришни сўрашди.

—Ишларимиз ҳажми кўпайиб кетди. Қолаверса, қурилиш материаллари етишмаяпти. Ишчи кучимиз оз...

—Бу, объектив сабабми ё шунчаки баҳонами?

Инженер бир зум мулзам бўлди-да, сир бермай давом этди:

—Аслида бу ишлар билан ўзимиз шуғулланишимиз керак. Таъминотдаги узилишга ҳам, ишчи кучининг етишмаслигига ҳам ўзимиз айбдор...

Ҳа, инженернинг сўнгги сўзлари ҳақиқатга яқинроқ эди. Трестда шу йилнинг барча ойлари якунларига кўра меҳнат унумдорлигини ошириш плани бажарилмади, таннарх юқорилигича қолди. Боғот районидаги 146-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи бош пудрати ишлари олти ойлик планини 150 минг сўм кам бажарди. Ўз кучлари билан амалга оширган ишлари ҳажми ҳам 71 процентга тўғри келди. Шу райондаги яна бир хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннада уй-жойларни фойдаланишга топшириш ишлари эътиборсиз қолди. Йилнинг иккинчи кварталида Киров номли колхозда 155 квадрат метр, Искандар Дўсов номли колхозда 120 квадрат метр турар жой бинолари ишга туширилмади. Колонна бош пудрати ишлари топшириғини пландагидан 25 процент кам бажарди. Янгиариқ, Янгибозор районларидаги кўчма колонналарда ҳам шундай нохуш аҳвол юз берди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, трест бўлинмалари қуриб ишга тушираётган объектларнинг сифатсизлиги ҳақида кўплаб шикоятлар ёзилмоқда. Янги қуриб битказилган турар-жойларга кўчиб кираётган кишилар уларни қайта ремонт қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Биз ана шу фактларнинг конкретлилиги ва алоҳида эътиборга моликлигини инобатга олиб, уларни тузатиш борасида кўрилажак чора ва тадбирлар ҳақида жавоб беришни «Узколхозстрой» раҳбарларидан сўрашни лозим топдик.

### ЖАВОБ ТОПОЛМАЙ ҚОЛДИ

Шаҳар халқ контроли комитетидан келган вакиллар олдида корхона директорининг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари А. Васильев бийрон-бийрон сўзлай бошлади:

—Завод 1986 йилда ишга тушади. Ҳозир қурилиш ишлари жадал кетяпти. Объектларимизнинг чала қолишига йўл қўймаяпмиз. Қурилиш материаллари ва ҳом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланишга, таннархни арзонлаштиришга эътибор беряпмиз...

— Кечирасиз, —назоратчилардан бири унинг сўзини бўлди, бугунгача корхонага неча сўмлик жиҳозлар келтирилган?

—182 минг сўмликдан зиёд.

—Улар қаерда сақланяпти?

—Ана, турибди-ку, — ўринбосар ҳовлида тахланиб турган ускуналарга ишора қилди.

—Вой бўўй, — ажабланди меҳмонлар. — Очиқ ҳавода қолибди-ку? Махсус айвонлар, омборлар қурилмаганми?

— Шу... шу ерига қолганда озроқ оқсадик. Ҳали қуролганимиз йўқ...

Жиззах шаҳрида тикланаётган электротехника заводи қурилишида ана шундай сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Объект участкаларида қурилиш-монтаж ишлари сифати талаб даражасида эмас. Таминот ва суръат талаблари муттасил бажарилмаяпти. Устига-устак бўлажак корхона учун неча-неча минг сўм сарфлаб келтирилган ускуналар, жиҳозлар қаровсиз қолдирилди. Уларнинг айримлари юклаш ва тушириш ишлари жараёнида жиддий шикастланиб яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Чунончи, «ГБ-70» маркали изоляторлардан 30 таси, винтель ускуналарининг 5 таси жиддий шикаст еди.

—Қурилишда ҳамма ишлар яхши деб мақтангандан кўра йўл қўйилаётган камчиликларни очиқ айтиб, уларни тугатиш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берсангиз яхши бўларди?

Назоратчиларнинг бу ҳақли талабига директор ўринбосари жавоб тополмай қолди. Эҳтимол, у киши ўрнига корхона қурилишига дахлдор бўлган юқори ташкилотларнинг раҳбарлари жавоб беришар?!

**Н. САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

## ОҚПИЛОЛ ХИЗМАТГА ШАЙ

Республикамизнинг йирик гидротехника иншоотларида катта тажриба орттирган «Ферганаводстрой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари Оқпилол селхонаси қурилишини ҳам фойдаланишга топшириш арафасида турибдилар. Қурилиш-монтаж ишлари сарф-харажати 3 миллион 200 минг сўмлик селхона муддатидан 6 ой илгари ишга тушмоқда.

— Объект қурилишига гидромелиораторларнинг жуда катта отряди сафарбар қилинди, — дейди участка бошлиғи Е. Логаш. — 60 дан ортиқ «МАЗ», «КрАЗ», «КамАЗ» каби қудратли самосваллар тўғонга тупроқ-шағал ташиб келтириб турди. Узунлиги 471 метр, баландлиги 38 метр бўлган тўғоннинг сўнгги ишлари ҳам ниҳоясига етди. Селхона деҳқонлар хизматига шай!

Дарҳақиқат, бугунгача ўз бағрига 3 миллион кубометр обиҳаёт тўплаган селхона сатҳи айни кунларда ҳар кеча-кундузда 15-17 сантиметр юқори кўтарилмоқда. У Марказий Фарғона чўлларида ўзлаштирилмай қолган сўнгги майдонларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритишда ва ён атроф хўжаликлар сув таъминотини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

**Б. ҚАҲҲОРОВ,**
**«Узоргтехводстрой» трести матбуот маркази ходими.**

●

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдираётган меҳнат коллективларининг ютуқлари ҳақида қашқадарёлик **Б. Элмуродов, А. Бобоёров, Я. Расулов,** андижонлик **Р. Эминов, М. Охунова, Ҳ. Ўтанов,** фарғоналик **Т. Холиқов,** самарқандлик **О. Каттабеков,** наманганлик **Т. Бобожонов,** бухоролик **Р. Тўлаев** ўртоқлар ҳам хабарлар йўллаганлар.

